

---

## Ижтимоий тармоқларда эълон қилинган “Журналистга маъмурий босим бўляптими?” номли мақолага Риштон тумани ҳокимлигининг Муносабати

Ушбу мақолада ёзилишича, Фарғона шаҳрида журналист бўлиб ишлайдиган Мирзоҳид Мирзаев Риштон ҳокимиятидаги мансабдор шахсларнинг босимига учраётган экан. Риштон туман ҳокимлиги бу хабар асоссиз эканлигини маълум қилади. Мирзоҳид Мирзаевга туман ҳокимлигидан ҳеч ким унга таҳдид қилмаган.

Бир неча ойдан бери Мирзоҳид Мирзаев ва Риштон тумани Амиробод МФЙда яшовчи Абдуҳошим Изатуллаевлар 0,5 сотих ерга эгалик қилиш борасида тортишиб келишади.

Амиробод МФЙда яшовчи Абдуҳошим Изатуллаев апрель ойида деҳқон фермер хўжалиги сифатида фойдаланиш учун Полвонобод МФЙда жойлашган туман захирасидаги ердан унга 0,5 сотих ер ажратиб бериш борасида туман ҳокимлигига мурожаат қилган.

Туман ҳокимлиги ушбу фуқаронинг мурожаатини ўрганиш учун Ер ресурслари ва давлат кадастрига юборган. Ер ресурслари ва давлат кадастри туман бўлими эса фуқаро Абдуҳошим Изатуллаев сураётган ер майдони Мирзоҳид Мирзаев томонидан ноқонуний равишда фойдаланиб келинаётгани баён этилган.

Шундан кейин Мирзоҳид Мирзаев Ер ресурслари ва давлат кадастри ходимлари берган хулоса нотўғри эканлигини ва ушбу участка унга тегишли эканлиги борасида иддао қилади.

Вазият муаммоли эканлиги боис масалани суд орқали ҳал этиш мумкинлиги М. Мирзаевга тушунтирилди.

Шуни айтишимиз жоизки, Риштон туман ҳокимлигидан ҳеч ким журналист Мирзоҳид Мирзаевга таҳдид қилган эмас. Унга барча масалалар қонуний йўл билан ҳал этилиши тушунтирилган.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
YER RESURSLARI, GEODEZIYA,  
KARTOGRAFIYA VA DAVLAT  
KADASTRI DAVLAT QO'MITASI  
FARGONA VILOYATI  
RISHTON TUMANI  
YER RESURSLARI VA  
DAVLAT KADASTRI BO'LIMI



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ,  
КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ  
КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ  
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ  
РИШТОН ТУМАНИ ЕР  
РЕСУРСЛАРИ ВА ДАВЛАТ  
КАДАСТРИ БЎЛИМИ

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 йил

№ \_\_\_\_\_

Риштон шаҳри.

Риштон туман хокими

С.Солиевга

Нусхаси : Амиробод МФЙ Амиробод  
кўчаси 49 -уйда яшовчи фуқаро  
Абдухошим Иззатуллаевга

Сизнинг 2020 йил 04 апрель кунги  
№ 425/9-сонли аризангизга

Фаргона вилояти Риштон тумани Амиробод МФЙ Амиробод кўчаси 49-уйда яшовчи фуқаро Абдухошим Иззатуллаевнинг дехкон хўжалиги ташкил қилиш учун Полвонобод МФЙ Нурафшон кўчасида жойлашган фуқаро Мирзаев Мизоҳид томонидан ноқонуний равишда фойдаланилаётган 0,05га ер майдонини ажратиб беришни сўраб мурожаат қилган.

Сизнинг юқоридаги мурожатингизга Риштон туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими кўйидагиларни маълум қилади.

Ўрганиш жараёнида, А.Иззатуллаев томонидан дехкон хўжалиги учун сўралган 0,05га ер майдони М.Топволдиев ММТП ҳудудида жойлашганлиги, фуқаро Мирзаев Мирзоҳид томонидан ҳуқуқий ҳужжатларсиз фойдаланиб келинаётганлиги аниқланди.

Фуқаро А.Иззатуллаевнинг дехкон хўжалиги юритиш учун ер майдони ажратиш бўйича туман хокими номига ариза билан қилган мурожаатига асосан дехкон хўжалиги ташкил қилиш учун тегишли тартибда далолатнома расмийлаштирилиб туман хокимлиги қошида тузилган комиссияга тақдим этилганлиги ва мазкур комиссия ҳулосасига асосан мурожаатда кўрсатилган ер майдони дехкон хўжалиги юритиш учун ажратиб берилиши мумкинлиги тушунтирилганлиги маълум қиламан.

Бўлим бошлиғи



И.Олимов.

Баҳарли: Б.Дадажон

